

# Янги йилнингиз кутлуз бўлсин, ўртоқлар!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

## ТОШКЕНТ ҲАКИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-НИЛ ЧИҚИШИ  
№ 1 (1263)  
1  
ЯНВАРЬ  
ПАЙШАНБА  
1959 ЙИЛ  
БАҲОСИ  
20 ТИЙИН

### Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига ССР Иттифоқи Министрлар Советига

Биз, Тошкент шаҳрининг меҳнаткашлари, Совет Ўзбекистони пахтакорларининг буюк ғалабасига бағишланган митингга тўпланиб, мўл ҳосил етиштириш ва 1958 йилда пахта тайёрлаш планини муваффақиятли суратда ошириб бажариш соҳасидаги меҳнатимизга юксак баҳо берганликларини учун КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматига чуқур ташаккур ва самимий миннатдорчилигимизни илҳор қиламиз.

Биз, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг табригини ўз меҳнатимизга берилган юксак баҳо дебгина билмай, балки партия ва ҳукуматнинг социалистик Ўзбекистони ривожлантириш тўғрисида тинмай қилаётган ғамхўрлигини ёрқин ифода этувчи далилларнинг яна бири деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, зиёлилари, республиканинг барча меҳнаткашлари ўзлари эришган муваффақиятлар кўп миллатли қудратли социалистик Ватанимиз халқ ҳўжалиги ва маданиятини ривожлантиришда қўлга киритилган катта ютуқларнинг таркибий қисми, партия XX съездининг ва КПСС Марказий Комитети Пленумларининг тарихий қарорларини амалга ошириш натижаси, партия ва давлатнинг ҳамда шахсан ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг қудалик ёрдами ва ғамхўрлиги натижаси, Коммунистик партиянинг ленинча доно миллий сиёсати тантанасини исбот этувчи ёрқин дадил эканлигини яхши англайдилар.

Бизнинг ғалабаларимиз қаттиқ курашда қўлга киритилди, бу ғалаба деҳқончилик маданиятини юксак даражага кўтариш, техникани, фаннинг энг янги ютуқлари ва илғор иш тажрибаларини кенг қўлланш тўғрисида қўлга киритилди.

Ўзбек халқи КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Советининг табригини Совет Ватанимизнинг қудратини янада мустаҳкамлаш йўлида, мамлакатимизда коммунизмнинг тўла тантанаси йўлида янада зўр ғайрат ва фидокорлик билан меҳнат қилишга даъват деб қабул қилади.

Ҳозирги вақтда республиканинг саноат корхоналари ва қурилишларида, колхоз ва совхозларида, илмий муассасаларида партиянинг XXI съезидига — коммунизм қурувчилар

съезидига тайёргарлик қўрилаганлиги тўғрисида, КПСС Марказий Комитети ноябрь ва декабрь Пленумларининг, СССР Олий Совети иккинчи сессиясининг қарорлари тўғрисида меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик бениҳоя кучайиб кетди.

Ўзбекистон ССР нинг ишчилари, колхозчилари, зиёлилари, ҳуллас барча меҳнаткашлари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС XXI съезидида қилаётган доклады тезисларини ҳар томонлама кенг муҳокама қилиб, жонажон Коммунистик партияга ва Совет ҳукуматига ваъда бериб айтидиларки, улар қўш орденли Ўзбекистоннинг мамлакатининг асосий пахта базаси сифатидаги ўз ролини, мамлакатнинг пахтага бўлган ва ўсиб бораётган эҳтиёжларини таъминлаш учун СССР даги барча қардош халқлар олдидаги ўз интернационал бурчини бундан буён ҳам шараф билан бажариши йўлида ўз кучларини аямасиз қўшадилар.

Биз, партия ва ҳукуматни ишонтириб айтмамизки, республикамизнинг 1958 йилда катта муваффақиятларга эришган социалистик саноати ва қишлоқ ҳўжалиги тўхтовсиз ривожлантирилади, Ўзбекистон меҳнаткашлари етти йилликнинг улғувор вазифаларини амалга ошириш учун, коммунистик жамият қуриш учун умумхалқ курашига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Самимий табриклари учун, кўп миллатли Ватанимиз халқларининг қардошлик оиласида Совет Ўзбекистони янада яшнатил тўла тантанаси сари бўлаб бораётган жонажон Коммунистик партияимизга шон-шарафлар бўлсин!

КПСС нинг ленинчи Марказий Комитетига шон-шарафлар бўлсин!  
Совет ҳукуматига шон-шарафлар бўлсин!

Тошкентда 1958 йил 31 декабрда ўтказилган кўп миң кишилик митингга қабул қилинган.

### Пахта учун умумхалқ курашининг қаҳрамонларига шон-шарафлар!

Тошкентда 150 миң кишилик митинг

Ўзбекистон халқ ҳўжалигини ривожлантириш тартида ҳеч қайси йил 1958 йилдагидай роҳбатларга бой бўлмаган эди дейиш мумкин. Республика меҳнаткашларининг пахта учун олиб борилган қаҳрамон кураш йилномасига 1958 йил мисли қўрилмаган миқдорда ҳосил етиштирилган йил бўлиб қирди. Ватанимиз Ўзбекистоннинг колхоз ва совхоз далаларида етиштирилган жуда кўп миңларда пахта олди.

Коммунистик партия тарбиялаб етиштирган ва совет халқларининг буюк дўстона оиласида равиқ топаган республика меҳнаткашларининг ажойиб маънавий ғалабалари пахта учун олиб борилган курашда жуда яққол намойиш бўлди. Қишлоқ меҳнаткашларининг зўр ушқоқлиги, илғор агротехниканинг ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиниши, машина ва механизмлардан моҳирлик билан фойдаланилганлиги муваффақият довозишмига катта ёрдам берди.

Барча совет кишилари каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам шонли ғалабалар йили билан хайралиниб, коммунистик қурилиш соҳасида янги давр очиб берадиган 1959 йилга қадам қўлар эдилар. Халқ бахт-саодати йўлида, Ватанимизни яшнатил йўлида қилаётган ҳамма ишлари учун жонажон Коммунистик партияга ва Совет ҳукуматига самимий ташаккур илҳор қиладилар. Ана шу миннатдорчилик туйғуларини янги йил арафасида Тошкентда бўлиб ўтган шаҳар меҳнаткашлари митингига жарангаб айтиди. Бу митингга 150 миңдан ортиқ киши қатнашди. Республика пойтахтидаги саноат корхоналари, илмий муассасалар, мактаплар, техникумлар ва олий ўқув юрталари коллективларининг вакиллари, пахта даладарининг вакиллари қизил байроқларини баланд кўтариб, Ленин номидаги майдонга тўпланидилар.

Т. А. Габорельяни, Р. Г. Гуломов, С. К. Камолов, Р. Е. Мельников, М. З. Мирзақасимов, С. И. Нуритдинов, З. Р. Раҳимбойев, Ш. Р. Рашидов, М. В. Мухаммаджонов, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ф. Хўжаев, Туркистон Ҳарбий Округи қўшинлари қўмондони армия генерали И. И. Федюнинский, Ўзбекистон қасаба сессияси Советининг расми М. М. Мухомедов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Иброҳимов, Тошкент шаҳар ўзроия комитетининг расми М. Иўлдошев ва бошқа ўртоқлар мизбарга чиқадилар.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ф. Хўжаев митингнинг очди. У, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ўзроия комитетининг расми М. Иўлдошев ва бошқа ўртоқлар мизбарга чиқадилар.

#### С. Н. КАМОЛОВ нутқидан

Азиз ўртоқлар! Биз бугун муҳим воқеани — республиканинг пахта тайёрлаш давлат планини ошириб бажарганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Советининг табриги олинганлигини нишонлаш учун ана шу тантанали митингга тўпланидик.

Ўзбекистон меҳнаткашлари 1958 йилда жуда катта ғалабаларга эришдилар. Колхозчилар, совхоз ва ПТС ишчиларининг фидокорона меҳнати ва республикадаги барча меҳнаткашларнинг пахтакорларга зўрсатган жуда катта ёрдами тўғрисида Ўзбекистоннинг колхоз ва совхозлари пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар ва давлатга шу кунгача 2 миллион 945 миң тонна, ёки ўтган йилдагидан 203 миң тонна кўпроқ ва 1953 йилдагидан 515 миң тонна кўпроқ пахта сотдилар. Республика-миз пахтачиликнинг бутун тарихида ҳеч қачон бунчалик кўп пахта топширмаган эди.

Республика давлатга дон, жун, сўт, гўшт, тухум, қорақўл тери, пилла, қаноп, тамаки ва узум сотиш планларини ҳам муваффақиятли бажарди.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА).

### Совет халқига КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг Янги йил табриги

Азиз ўртоқлар! Ишчилар, колхозчилар, совет зиёлилари, Совет Куролли Кучларининг жағчилари, ажойиб ёшларимиз!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Сизларни қириб келаётган Янги йил билан қизғин табриқлайдилар!

Шонли 1958 йил тамом бўлай деб қолди. Бу йил халқ хотирасида буюк муваффақиятлар йили бўлиб сақланиб қолади. Бизнинг қудратли социалистик саноатимиз давлат планини ошириб бажарди, янги қудратли завод ва шахталар, домна ва марген печлари, электростанциялар ва транспорт магистраллари шига туширилди. Умумхалқ социалистик мусобақаси янги босқичга кўтарилди, биринчи коммунистик меҳнат бригадалари вужудга келтирилди. Социалистик қишлоқ ҳўжалиги кучли суратда юксалмоқда. Халқнинг моддий ва маданий фаровонлиги ошди.

Совет ватан фани ва техникаси тўхтовсиз ривожланмоқда ҳамда янги кадриётлар ва тадқиқотлар билан бойимокда. Ернинг энг катта ва техника жиҳатида энг мукаммал учинчи совет сунъий йўлдоши космик фазода ҳали ҳам парвоз қилиб, барча прогрессив кишиларни қойил қолдирмоқда. Бизнинг олимларимиз, инженерларимиз ва ишчиларимиз атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиши, радиотехника, телемеханика, автоматикани қўллашни соҳаларини кенгайтирмоқдалар.

Ўтган йили социалистик лагердаги мамлакатлар халқларининг буюк ҳамкорлиги, қардош коммунистик ва ишчи партияларининг жағговар революцион бирдамлиги янада кўпроқ мустаҳкамланди ва чиниқди. Совет Иттифоқининг тинчлик ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган дадил ва ташаббускор ташки сиёсати ҳамчун қойил қилди, социалистик Ватанимизнинг халқро мисқасаги обрўсини янада оширди. Ўтган йили тинчлик, демократия ва социализм иши янги, ажойиб ғалабаларга эришти.

Азиз ватандошлар!

Биз Янги, 1959 йилга қадам қўймоқдамиз. Бу, етти йиллик плани амалга ошириш йўлидаги умумхалқ курашининг биринчи йили бўлади. Бутун совет халқи Коммунистик партиянинг XXI съезидида баланд руҳ билан тайёргарлик қўймоқда. Бу съезд коммунистик жамият қуришнинг кенг ажв оддирилган улғувор программасини қараб чиқади ва тасдиқлайди. Мамлакат яқин етти йил ичида коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтириш соҳасида халқ илғорчи қадам қўлади. Мамлакатнинг иқтисодий ва мулоффа қуввати анча ўсади. Айн вақтда биз совет халқининг ўсган моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўла ва ҳар томонлама қондириш имконига эга бўламиз. Социализмнинг буюк ғалабалари янада ёрқин намойиш бўлади.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун, турли иқтисодий системаларнинг тинч-тотув яшани учун, зўр бериб кўроллашнинг тўхтатиш учун, атом ва водород қурулиши таққиллаш учун бундан буён ҳам қатъий кураш олиб борадилар. Совет кишилари ана шу курашда тинчлик ва демократия кучлари ғалаба қилаётганга қатъий ишонгандирлар!

Коммунизм қураётган мамлакат — улғу Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи янада қудратлироқ бўлсин ва янада гуллаб яшасин!

Партия, ҳукумат ва халқ бирлиги янада мустаҳкамлансин!

Тинчлик, демократия ва социализмнинг мустаҳкам таъини бўлган социалистик мамлакатларнинг қудратли лагерини ўз сафларини янада маҳкам жипслаштирсин!

Ўртоқлар, сезларнинг ҳаммаишга, коммунизм қурувчиларга сикат-саломатлик, бахт-саодат, меҳнатда, ўқишда, бутун ҳаётингиз ва фаолиятингизда катта муваффақиятлар тилаймиз.

Янги йилнингиз, янги бахтингиз кутлуз бўлсин, азиз дўстлар!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ







